



ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2008 йил 22 январь ● сешанба ● № 3 (562) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

ЁШЛАР ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

мамлакатимизда қонун ҳужжатлари билан кафолатланган



Б.АКРАМОВ олган суратлар

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг муҳим стратегик вазифалардан бири сифатида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялашни Ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ёшлар сиёсатида давлат аҳамиятига молик иш сифатида қаралиши бежиз эмас, чунки мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоизидан ортигини айнан ёшлар ташкил қилади.

Республика ёшларининг ижтимоий-маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиш йўлида етарли ҳуқуқий база яратилди.

Жумладан, 1991 йил 20 ноябрда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида» Қо-

нун қабул қилинди. Ушбу қонунга мувофиқ ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, таш-

килий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир. Шунинг ҳам айтиш жоизки, ёшларнинг фуқаролик муносабатларидаги иштироки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади. Мазкур Кодекснинг 29-моддасига кўра, ўн тўрт ёшга тўлмаган, вояга ет-

маганлар (кичик ёшдаги болалар) учун битимларни, уларнинг номидан фақат ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийлари тузиши мумкин. Олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган кичик ёшдаги болалар қўйидагиларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақлидирлар: 1) майда маиший битимлар; 2) текин манфаат

кўришга қаратилган, нотариал тасдиқлашни ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимлар; 3) қонуний вакил ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан муйазин мақсад ёки эркин тасарруф этиш учун берилган маблағларни тасарруф этиш борасидаги битимлар.



ҚОНУННИНГ МОҲИЯТИ ҲАҚАМЛИК СУДЛАРИ

ҳуқуқий низоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади (Иккинчи мақола)

Ҳақамлик судлари «давлат суд тизими» кирмаслигини ҳисобга олиб, «Ҳақамлик судлари тўғрисида»ги Қонунда давлат таъминлаш чораларини кўришга алоҳида эътибор берилди. Чунки, Қонунга мувофиқ, ҳақамлик судида кўриб чиқилаётган даъво таъминлаш ҳақидаги ариза ҳақамлик муҳокамаси тарафи томонидан ҳақамлик суди жойлашган ердаги ёхуд жавобгар жойлашган ердаги ёки яшайдиган жойдаги ёнги жавобгарнинг мул-мулки турган жойдаги ваколатли судга берилди. Аризани даъво таъминлаш судига топширилганлигини исботловчи далиллар ва даъво таъминлаш чораларини кўриш ҳақида ҳақамлик судининг ажриши илова қилинади.

Ҳақамлик судининг ҳал қилув қарорларини ижро этиш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Мазкур суднинг ҳал қилув қарори унда белгиланган тартиб ва муддатларда иктиёр ижро этилади. Ҳал қилув қароридан ижро муддати белгиланмаган ҳолларда у дарҳол ижро этилиши керак. Ҳал қилув қарорининг мажбурий ижросини таъминлаш ваколатли судлар зиммасида бўлиб, улар томонидан берилган ижро варақаси асосида суд ижрочилари томонидан амалга оширилади. Мажбурий ижро варақаси бериш тартиби белгиланмади. Чунки ваколатли давлат судларининг ҳақамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳамда ҳақамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби бошқа қонун ҳужжатлари билан, хусусан, Фуқаролик процессуал кодекси ҳамда Ҳўжалик процессуал кодекси билан тартибга солинади.

Шунинг учун ҳам амалда ҳақамлик судларининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, ушбу судга мурожаат қилган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш мақсадида айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиш киритиш талаб этилар эди. Айнан 2007 йил 1 августдаги «Ҳақамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни юқоридаги мақсад ва вазифаларни амалга оширишни назарда тутган.



МУРОЖААТЛАР

«ИНСОН ва ҚОНУН» НИГОҲИДА МУТАХАССИСЛАР ИШТИРОКИДА ЎРГАНИЛДИ ВА...

Бухоро вилояти, Олот тумани, Буюк ипак йўли кўчаси, 47-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Х.Ибодованинг газета таҳририятига йўллаган аризаси вилоят ҳокимлиги ва тегишли соҳа мутахассислари иштирокида жойида ўрганиб чиқилди.

Ариза муаллифининг яшаш шароити ва оилавий аҳоли инobatта олиниб, Х.Ибодованинг ўли Х.Муродовга уй-жой қуриш учун 0,06 гектар ер майдони ажратиш лозим, деб топилди.

Олот тумани ҳокимлиги ҳузурдаги ер ажратиш масалаларини кўриб чиқиш комиссияси

томонидан фуқаро Х.Муродовга уй-жой қуриш учун Чорбоғ қишлоқ фуқаролари йиғинининг бош режаси асосида ер майдони танланди. Туман

ҳокимининг 2007 йил 27 декабрдаги 764-сонли қарори билан фуқаро Х.Муродовга уй-жой қуриш учун ер майдони ажратиб берилди.

Э.СОЛИЕВ, Бухоро вилояти ҳокимлигининг капитал курилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш масалалари бўйича ўринбосари котибияти мудир

ЕР УЧАСТКАСИ АЖРАТИЛДИ

Китоб тумани «Юқориқой» қишлоғида яшовчи фуқаро Х.Боеванинг газетага йўллаган аризаси текширилди.

Аниқланишича, Х.Боева кизи Х.Худоберовага томорқа учун ер участкаси ажратишни сўраб, «Куйиқой» қишлоқ фуқаролари йиғинига мурожаат қилган, фуқаролар йиғини эса фуқароларга яққа тартибда уй-жой қуриш учун ер ажратишни сўраб, 2006 йил 8 октябрда туман ҳокими номига хат йўллаган. Китоб тумани ҳокими фуқаролар йиғинининг мурожаатини кўриб чиқиш учун туман яққа тартибда уй-жой қурилиши бўлимига ўтказган. Туман яққа тартибда уй-жой қурилиши бўлими «Куйиқой» қишлоқ фуқаро-



ролар йиғинида яшовчи фуқароларга уй-жой қуриш учун ҳужжатларни расмийлаштириб, туман ҳокимлиги ҳузурдаги ер ажратиш комиссияси орқали туман ҳокимига тақдим этган. Шу тариқа ариза ўз вақтида ижобатини топмаган. Прокуратуранинг аралашуви билан «Куйиқой» қиш-

лоқ фуқаролар йиғинига қарашли ҳудудда яшовчи фуқароларга, хусусан, фуқаро Х.Боеванинг кизи Х.Худоберовага яққа тартибда уй-жой қуриш учун ер ажратилди. К.ИСМОИЛОВ, Қашқадарё вилояти прокурори, адлия катта маслаҳатчиси

ТАДБИРКОРГА ИМКОНИЯТ КЕНГАЙДИ

Тадбиркор Абдуваҳоб Абдуллаев «Асака текстил» корхонаси учун 130 та янги иши ўрни яратди.

У бундай имкониятга республика товар-хонашў биржаси савдосида олган икки миллион доллар хориж инвестициясини жалб қилгани эвазига эришди. Тадбиркор ҳозирда хорижнинг замо-

навий технологиялари ва ускуналаридан фойдаланмоқда. Жорий йилда корхона 2,8 миллион долларга тенг маҳсулотни экспорт қилишни режалаштирди. Шу мақсадда Россия ва Болтиқбўйи мамлакатларида савдо уйлари очилди.

«Туркистон-пресс»

ҚОНУНГА ЗИД АРАЛАШУВ МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИККА САБАБ БЎЛДИ

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари фаолияти қонун йўли билан ҳимоя қилинади. Улар фаолиятига нисбатан турли хил тўсиқлар, ноқонуний аралашувлар маъмурий жавобгарликка олиб келади.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан Булунгур тумани давлат санитария-эпидемиология назорати марказида тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари ижроси ўрганилганда, туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари томонидан республика адлия вазирининг 2006 йил 29 декабрдаги 213-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган «Хўжалик юртувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 32-банди талаблари бузилганлиги аниқланди. Маълум бўлишича, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши (НҚОФМҚ)нинг 2006 йил 29 декабрдаги 4/1-Г-сонли қарорига асосан тасдиқланган режа жадвали ҳамда туман ДСЭНМ бош врачининг 2007 йил 25 апрелдаги 3-сонли буйруғига

асосан марказ санитария врачси А.Ҳасанов томонидан «Азимжон» хусусий фирмасида текшириш ўтказилган. Текширув натижалари бўйича ДСЭНМ бош врачининг 2007 йил 27 апрелдаги 99-сонли қарори билан фирма раҳбари Ж.Жулматов Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 53-моддасига асосан 62 миң 100 сўм миқдорда маъмурий жаримага тортилган. Бирок, текшириш пайтида ДСЭНМ ходими А.Ҳасанов томонидан фирма раҳбари Ж.Жулматовга НҚОФМҚнинг режа жадвалидан ва туман ДСЭНМ бош врачининг буйруғидан нусхалар тилхат асосида тақдим қилинмаган. Бундан кўриниб турибдики, туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази санитария врачси А.Ҳасановнинг тадбиркорлик субъектига текшириш учун асос бўлган ҳужжатларнинг нусхаларини тақдим этмаганлиги



тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклаб қўйган. Фақат буғина эмас, балки унинг фаолиятига ғайриқонуний аралашган. А.Ҳасанов тадбиркорлик субъектига нисбатан ўзининг бу хатти-ҳаракатлари билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 241-1-моддаси, 1-қисмида кўзда тутилган ҳуқуқбузарлиқни содир этган. Вилоят адлия бошқармаси санитария врачси А.Ҳасановни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида жиноят ишлари бўйича Булунгур туман судига маъмурий тақлиф киритди. Суд А.Ҳасановга

нисбатан 86 миң 940 сўм миқдорда маъмурий жарима жазоси қўллади. Тадбиркорлик фаолиятига тўсиқлик қилиш, ноқонуний аралашув, руҳсатсиз текшириш мамлакатимизда олиб борилаётган ҳуқуқий ислохотлар мезони — адолат кўзгусига ақс таъсир этади. Юртимизда тадбиркорликка кенг йўл берилган, унинг фаолиятига ҳар қандай зид аралашувлар қонун йўли билан чекланади. Сафар ТОВАЕВ, Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бўлими бошлиғи, Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ, «Инсон ва қонун» мухбири



ТИЗИМ Тадбирлари

ДАВРА СУХБАТИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш маркази томонидан Давлат божхона қўмитаси вақаллари иштирокда давра суҳбати ташкил этилди. Давра суҳбатини Адлия вазирлигининг ўринбосари — Марказ директори Хужма Мурод Исоқов оlib борди.

Ушбу тадбирда давлат божхона органлари фаолиятида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан ўтказилган мониторинг натижалари муҳокама қилинди.

Давра суҳбатида сўзга чиққан Давлат божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Ш.Хайруллаев ўтказилган мониторингнинг аҳамияти ва самардорлиги хусусида айтириб, мониторинг натижалари бўйича Давлат божхона қўмитаси томонидан божхона қонунчилигини ҳамда божхона органларининг ҳуқуқий қўллаш амалиётини такомиллаштириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, амалга ошириляётганини таъкидлади.

Тадбирда Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти таъминлаш бўйича давлат божхона хизмати органлари фаолиятининг самардорлигини ошириш ва божхона ишлари ҳуқуқий тартибга солиш механизмини янада такомиллаштиришнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Талқин ЁШЛАР ФАОЛИЯТИНИ Қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда қонун ҳужжатлари билан кафолатланган

(Давоми. Боши 1-бетда)
Кичик ёшдаги боланинг битимлари бўйича, шу жумладан, ўзи мустақил тузган битимлар бўйича унинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийи, агар улар мажбуриятнинг бузилишида ўзларининг айблари йўқлигини исботлай олмасалар, мулкий жавобгар бўладилар. Ушбу шахслар қонунга мувофиқ кичик ёшдаги болалар етказган зарар учун ҳам жавобгар бўладилар.

Ун тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар, Фуқаролик кодекси 27-моддасининг иккинчи қисмида санаб ўтилганлардан ташқари, битимларни ўз ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийларнинг ёзма розилиги билан тузадилар. Бундай вояга етмаган шахс томонидан тузилган битим кейинчалик шахсининг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийси ёзма равишда маъқуллаганидан сўнг, у ҳам ҳақиқий ҳисобланади.

Ун тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар ота-оналари, фарзандликка олувчилар ва ҳомийларнинг розилигисиз куйидагиларни мустақил равишда амалга оширишига ҳақли:

ўз иш ҳақи, стипендияси ва бошқа даромадларини тасарруф этиши;

фан, адабиёт ёки санъат

асарининг, ихтиронинг ёхуд ўз интеллектуал фаолиятининг қонун билан қўриқланадиган бошқа натижаси муаллифи ҳуқуқини амалга ошириши;

қонунга мувофиқ кредит муассасаларига омонатлар қўйиш ва уларни тасарруф этиши;

ушбу Кодекс 29-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган майда маиший битимларни ҳамда бошқа битимларни тузиш.

Ун тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ўзлари тузган битимлар бўйича мустақил равишда мулкий жавобгар бўладилар. Бундай вояга етмаганлар ўзлари етказган зарар учун ушбу ко-

дексга мувофиқ жавобгар бўладилар.

Етарли асослар мавжуд бўлганда суд ота-оналар, фарзандликка олувчилар ёки ҳомийлик органнинг илтимосномасига мувофиқ ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганнинг ўз иш ҳақи, стипендияси ёки бошқа даромадларини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқини чеклаб қўйиши ёки бу ҳуқуқдан маҳрум қилиши мумкин, бундай вояга етмаган шахс ушбу Кодекс 22-моддасининг иккинчи қисмига ёки 28-моддасига мувофиқ тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 28-моддасига асо-

сан ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ёшларнинг сиёсий ҳуқуқлари ҳам кафолатланган.

Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «**Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**»ги Фармонида асосан, «**Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир дав-**

лат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонунга, «**Ижтимоий ҳимоя йили**» Давлат дастурига мувофиқ, ёш оилаларни моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишида уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбалари ва амалий рағбатлантириш чоралари кўрилди.

Республикамизнинг ҳар бир ҳудудда янги иш ўринлари очиб, ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка фаол жалб қилиш, ёш оилаларга ўз ишлари ташкил этиш учун микрокредитлар ажратиш, қасанчиликни ривожлантириш, уларга имтиёзли равишда қорамоллар сотиш асосида меҳнат билан бандлигини таъминлаш ва ёш оилаларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантириш учун зарур шароит яратилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ёшлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уларни ҳимоялаш мамлакатимизда ҳар томонлама қонун ҳужжатлари билан кафолатланган.

Абдурахмон САФОЕВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Охангарон туманларо суди раиси

Хуқуқий тарғибот соати



ЧЕМПИОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Маълумки, миллат мавқелининг дунё бўйлаб юксалишида спортнинг ўрни беқарор. Спорт — руҳий баркамоллик, маънавий тарбия воситаси ҳам. Шу муносабат билан республика Адлия вазирлигида соҳа ходимларининг мамлакатимиздаги таниқли спорт юлдузлари, мураббий ва спорт журналистлари учрашуви ўтказилди.

Унда шу йилнинг августда Пекинда бўладиган XXIX ёзи Олимпия ўйинлари йўлланмаси соҳиблари — бокс бўйича жаҳон чемпиони Аббос Аповев (81 кг.), спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпиони совиндорни Антон Фониш, юнорну кураши бўйича Осиё чемпиони Шерали Шодмонов (55 кг.), Ўзбекистонда



хизмат кўрсатган мураббий Олим Мухамедов ҳамда спорт журналисти Эркин Холболов қатнашди.



Тадбирда спортимиз юлдузлари халқаро миқёсда ўзлари эришган ютуқлар, спортимизнинг бугуни ва эртаси ҳақида сўзлашди.

Мазкур учрашувида йиғилганлар ўзбек спорти ҳақида янада кўпроқ маълумотга ва кенг тасаввурга эга бўлишди.

(Ўз мухбиримиз)

Қонуннинг моҳияти

ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ хуқуқий низоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади

(Давоми. Боши 1-бетда)
Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан «**Давлат божи тўғрисида**»ги, «**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида**»ги ҳамда «**Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси ва Хўжалик процессуал кодекси «**Ҳакамлик судлари тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормалари билан мувофиқлаштирилди. Айниқса, мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикаси ФПК ва ХПК ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишларни ҳамда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишларни юриктиш тартиби тўғрисидаги нормалар билан тўлдирилди ва бу шахс манфаатларини суд

орқали ҳимоя қилиш соҳасини янада кенгайтиришда ҳамда ҳакамлик суди қарорларини ижро этиш самардорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳакамлик судларининг республикамизда фаолият кўрсатиши тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш баробарида, мамлакатимизда кулай инвестицион муҳитни шакллантириш ва республикамизга кириб келаятган хорижий давлатлар инвестицияларининг оқимини кўпайтириш учун шарт-шароитлар яратишга кўмаклашади. Чунки ҳакамлик судининг мавжудлиги ривожланган давлатларда бўлган каби хорижий инвесторлар учун кафолат вазифасини ўтайди. Қолаверса, ҳакамлик судлари мамлакатимизда кулай бозор инфратузилмасини шакллантириш ва низоларни кўриб чиқиш даражасини халқаро талабларга кўтариш имконини беради. Лекин бунинг

учун мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ҳакамлик судлари тўғрисида, уларнинг афзалликлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишлари лозим.

Бунинг учун ҳакамлик судлари ва уларнинг афзалликлари хусусида, айниқса, тадбиркорлар ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш, оммавий ахборот воситалари орқали мазкур институт билан боғлиқ маълумотларни мунтазам равишда бериб бориш, шунингдек, бу борада ҳуқуқшунос олимларимиз томонидан илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш талаб этилади. Бу эса ҳакамлик судларида ишларни кўриш сифатининг ошишига, қолаверса, тадбиркорлик субъектларининг мазкур судга бўлган ишончини орттиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Музаффар МАМАСИДДИКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари

Нафс

АЛДАЙМАН ДЕБ АЛДАНГАНЛАР

Фермерлик ҳаракати аграр соҳада хўжалик юритишнинг энг самарали усули эканлиги бугун ўз таъдирини топди. Бунинг босиси эса манфаатдорлик ортиб, ерга эгаллик ҳиссининг кучайганидир. Бинобарин, ўтган 2007 йил бошида Президентимизнинг «2007 йил қишлоқ хўжалик қорхоналари (ширкатлар)ни фермер хўжалиқларига айлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Фарғона вилоятининг 11 та туманидаги 43 та ширкат хўжалиги фермер хўжалигига айлантирилди.

Аммо гуруч ичидаги қурмадек айрим фермер хўжалиқлари раҳбарлари берилган ердан шахсий манфаат йўлида фойдаланишга киришиб кетишди.

Ана шулардан бири Оқунбобоев туманидаги «Абдухатов Лутфилло ери» фермер хўжалиги раҳбари Лутфилло Абдухатовдир. Гап шундаки, Лутфилло фермерликни ихтиёр этиб, 2006 йилнинг декабрида тумандаги А.Раҳмонов номи ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссиясига мурожаат қилди ва тендер танловида ўзи талабгорлик қилган лойиҳа бўйича голибликни қўлга киритди. Яъни 2007 йилнинг 8 январь кўни у билан туман ҳокимлиги ўртасида 28,8 гектар ерни 50 йил муддатга ижарага бериш тўғрисида шартнома имзоланди. Бирок Л.Абдухатов аввалига бошқоқ дон экилиши лозим бўлган ернинг 1 гектарини полиз экинларини экти. Лекин назарида бу камдек туюлди, шекилли, пахта экиш учун ажратилган майдоннинг ҳам 1 гектарини полиз экинларига айлантирди. Яна 1 гек-

АЛДАЙМАН ДЕБ АЛДАНГАНЛАР

ёки ердан нотўғри фойдаланган фермер хўжалиқлари раҳбарлари қилмишлари хусусида

қолишмас экан. «Роҳулбек» фермер хўжалиги 2004 йилда ташкил топган бўлиб, йиша йили 15 январьда тузилган ижара шартномасига асосан унга 20,1 гектар ер 50 йил муддатга ижарага берилган. Салкам уч йил мобайнида фермер бошқоқ дон, пахта етиштириши, хуллас, ҳамма йўналишда шартно-



VI.17-бандида ер ижара шартномасини бекор қилиш асослари қайд этилган бўлиб, ердан белгиланган мақсадда фойдаланмаганда бу жараён амалга оширилди. Шунинг учун Оқунбобоев ва Фурқат туманлари ҳокимликлари вилоят хўжалик судига даъво аризалари билан мурожаат қилиб, номлари қайд этилган фермер хўжалиқлари билан тузилган ер ижара шартномасини бекор қилишни сўради.

Албатта, юқоридаги қонун талабларига таянган ҳолда суд ҳокимларининг даввосини тўлиқ қаноатлантириб, ҳар иккала фермер хўжалиқини тугатishi юзасидан ҳал қилув қарори чиқарди. Шуниси ачинарлики, ушбу фермер хўжалиқлари бу борада ёлғиз эмас экан. Оқунбобоев туманидаги «Алимардон Тўжматов саховати», «Абдусалом хожи Йўлдошев», «Салом ота», Фурқат туманидаги «Галлакор» фермер хўжалиқлари раҳбарлари ҳам ердан ўз ҳамёнларини қалпайтириш мақсадида фойдаланганликлари бонис тугатилди. Умуман олганда, ерни алданганликлари, талон-торож қилганликлари сабабли ер ижара шартномасини бекор қилиш юзасидан вилоят адлия бошқармаси, вилоят прокуратураси ва тегишли туман ҳокимликлари томонидан вилоят хўжалик судига 85 та даъво аризалари киритилди.

Фермерлик гирромликини ёқтирмайди. Негаки, унинг зиммасида халқ манфаатини ўйлаш, дастурхонини тўкин қилиш, шу билан бирга, мулк эгаси сифатида оила фаровонлигини таъминлаш масъулияти ётибди. Буни унутмаган фермер гуллаб-яшнаши аниқ.

Акmalжон РАҲИМОВ,
Фарғона вилоят хўжалик судининг судьяси, Хуршид СУЛТОНОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Янги биноларда иш бошлашди

Анджон вилоятининг Булоқбоши ва Жалақудуқ туманлари фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХД) бўлимлари ҳозирги замон талаблари асосида қайта қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уларда барча шароитлар яратилган, никоҳни таъминлаш ўтказиш зали, ота-оналар ва келин-куёвлар учун алоҳида хоналар мавжуд.



Янги биноларнинг таъминоти очилиш маросимида Анджон вилояти адлия бошқармаси раҳбарлиги, ҳокимлик ва бошқа идора вақаллари иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан Булоқбоши туман ФХД бўлими бонисини қайта қуриш учун 38 миллион, Жалақудуқ туман ФХД бўлими учун эса 58 миллион сўм сарфланди. Ушбу эзгу ишлар «Ёшлар йили»да ёш келин-куёвларга қатта соғва бўлди.

Озодбек ҒОФУРОВ,
Анджон вилояти адлия бошқармаси ходими
Суратда: Булоқбоши туман ФХД бўлимининг янги бйноси очилишдан лавҳа

МУҲОКАМАДА ЙИЛ ЯКУНЛАРИ

Тошкент вилояти адлия бошқармасида виллоятнинг туман, шаҳар давлат ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идора ҳамда ФХД ходимларининг навбатидида семинар-йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишида 2007 йил якунлари муҳокама қилиниб, йил давомида эришилган ютуқлар билан бир қаторда камчиликларга ҳам тўхталиб ўтилди. Адлия бошқармаси бошлиги ўринбосари Г.Исханова ўз маърузасида янги йил режалари ҳақида гапириб, шу соҳа ходимларининг касб маҳорати, ҳуқуқий билим ва сиёсий саводхонлиги, шунингдек, муомала маданиятини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратди. Айниқса, «Ёшлар йили»да ёш оилаларга давлатимиз томонидан кўрсатиляётган эътибор ва гамхўрликнинг жамиятимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

Гулсара ХАЛИЛОВА,
Тошкент вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Оила — муқаддас дароҳ, тарбия маскани. Бугун қизилармизга оила ва никоҳ, никоҳ олди тиббий кўриқнинг аҳамияти, аёлининг оиладаги ўрни тўғрисида ва меҳр-оқибат, қаноат, сабр-тоқат каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб боришимиз шарт.

Шу билан бирга фарзандлар тарбияси учун нафақат оила, балки жамият, ҳар қайсиимиз масъулдирмиз.

Бўлим томонидан туман хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла фаоллари, шифокорлар, туман ички ишлар бўлими вақаллари, маҳаллий масъуд имом халти билан ҳамкорликда ўқув даргоҳлари, қорхона ва ташкилотларда «Оила ва никоҳ», «Соғлом оила — соғлом бола», «Она сунининг аҳамияти», «Аёлининг оиладаги ўрни», «Соғлом оила», «Соғлом авлод», «Анемия — бу нима?» сингари қўллаб-мавузуларда учрашулар, тадбирлар ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Шунингдек, ёшларни никоҳ олди тиббий кўриқдан ўтказиш мақсадида «Аёллар маслаҳатхонаси», «Никоҳ ва оила» хоналари ташкиллаштирилиб, шифокорлар билан биргаликда мунтазам равишда қатор ишлар олиб бориляпти.

Сулҳан ТИЛЕУИМБЕТОВА,
Хўжайли тумани ФХД бўлими бошлиғи

